

**«AVTO - LUX» СУҒУРТА МАҲСУЛОТИ БЎЙИЧА  
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШГА  
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

*(Бош директорнинг 29 январ 2026 йилдаги 50-сонли буйруғи билан янги таҳрирда тасдиқланган)*

Ушбу Оммавий Оферта (кейинги ўринларда “Оферта” деб юритилади) “KAPITAL SUG'URTA” акциядорлик жамияти томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг чекланмаган доирасига Офертада кўрсатилган шартларда Суғурталовчининг расмий веб-сайти ёки Интернет хизмати (автоматлаштирилган ахборот тизими, мобил иловаси) орқали «AVTO - LUX» суғурта маҳсулоти бўйича транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун йўналтирилган таклифидир.

Мазкур Оферта суғурта шартномасини (полисини) расмийлаштириш санасида амалда бўлган «AVTO - LUX» суғурта маҳсулоти бўйича транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш Қоидалари (кейинги ўринларда “суғурта Қоидалари” деб юритилади) билан тартибга солинади. Суғурта Қоидалари ва ушбу Оферта [www.kapitalsugurta.uz](http://www.kapitalsugurta.uz) расмий веб-сайтида ва Суғурталовчининг Интернет хизматларида умумфойдаланиш учун очиқ ҳисобланади.

Ушбу Оферта шартларини қабул қилиш ва белгиланган суғурта мукофотини (бадалини) тўлаш, оферта шартларининг акцепти ва Суғурта қилдирувчининг «AVTO - LUX» суғурта маҳсулоти бўйича транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш шартномасини тузишга розилиги ҳисобланади.

Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти (бадали) тўланганлиги факти тасдиқлангач, унга электрон суғурта полиси юборилади ва суғурта шартномаси тузилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ, ушбу Офертани сўзсиз қабул қилиш (акцепт қилиниши) орқали Суғурта қилдирувчи:

- ушбу Оферта шартларини, жумладан суғурта шартларини қабул қилганлигини тасдиқлайди;
- полисни расмийлаштириш учун тақдим этилган шахсга доир маълумотларга ишлов беришга,

шу жумладан тизимлаштириш, сақлаш, фойдаланиш, тақдим этиш, тарқатишга, 5 йил муддатга суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида маълумотларни автоматлаштирилган ёки автоматлаштириш воситаларидан фойдаланмаган ҳолда ишлов бериш йўли билан узатишга, шунингдек, ички ҳужжат айланишини таъминлаш бўйича суғурта шартларига кўра ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш учун уларни учинчи шахсларга ўтказишга ўзининг, шунингдек Наф олувчи(лар) ва Ҳайдовчи(лар)нинг розилигини билдиради ва тасдиқлайди.

Агар суғурта мукофоти (бадали) тўлиқ тўланмаган бўлса, шунингдек, Суғурталовчи томонидан акцептни бекор қилиш тўғрисидаги билдиришнома акцептга қадар ёки у билан бир вақтда олинган бўлса, акцепт олинмаган ҳисобланади.

“Суғурта шартномаси” ва “Суғурта полиси” атамалари бундан кейин матнда ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънога эга.

**ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТЛАРИ АСОСИДА ТУЗИЛАЁТГАН  
«AVTO - LUX» СУҒУРТА МАҲСУЛОТИ БЎЙИЧА  
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИНИНГ (СУҒУРТА ПОЛИСИНИНГ) АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

**1-БЎЛИМ. АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ**

1.1. Ушбу офертада қўлланилаётган атамалар қуйидаги маъноларга эга:

**Суғурталовчи** – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ва Лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган “KAPITAL SUG'URTA” акциядорлик жамияти.

**Суғурта қилдирувчи** – ушбу Оферта ва суғурта Қоидалари шартлари асосида Суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузган ва белгиланган суғурта мукофотини (бадалини) тўлаган, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахс ёки ҳуқуқий лаёқатга эга жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ёки чет эл фуқароси).

**Наф олувчи** – мазкур Оферта шартларига кўра суғурта товонини олиш учун Суғурта қилдирувчи томонидан тайинланган ёки қонунга мувофиқ шундай шахс ҳисобланадиган жисмоний ёки юридик шахс. Наф олувчи қонун, бошқа ҳуқуқий ҳужжат ёки шартнома асосида суғурталанган ТС да мулкый манфаати бўлган шахс бўлиши мумкин.

**Суғурта полиси** – Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи номига берилган, мазкур Оферта ва суғурта Қоидалари шартларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида

Суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полиси фақат унда кўрсатилган суғурта даври мобайнида амал қилади ва келишилган суғурта мукофотининг (бадалининг) ўз вақтида тўланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

**Суғурта таваккалчилиги** – юз бериши эҳтимол бўлган ҳолатга нисбатан суғурта амалга ошириладиган воқеа. Суғурта таваккалчилиги сифатида назарда тутилаётган ҳодиса эҳтимоллик ва тасодикийлик аломатларига эга бўлиши шарт.

**Суғурта воқеаси** – суғурта муддатида ва суғурта ҳудудида юз бериб, суғурта ҳодисаси аломатларига эга бўлган воқеа.

**Суғурта ҳодисаси** – ушбу Офертада назарда тутилган, суғурта муддати давомида ва суғурта ҳудуди доирасида содир бўлган, бир ёки бир нечта воқеалар бўлиб, улар рўй бериши натижасида Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчига ёки суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсга суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти юзага келади.

**Суғурта товони** — ушбу Офертада белгиланган суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида келиб чиққан зарарни Суғурта шартномасида (суғурта полисида) кўрсатилган суғурта пули доирасида қоплаш учун Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига ёки ушбу суммани олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсга тўланадиган пул миқдори.

**Суғурта даври** – Суғурта полисида кўрсатилган вақт оралиғи. Суғурталовчи Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври мобайнида ва суғурта ҳудудида юз берган суғурта ҳодисалари бўйича, Суғурта қилдирувчи томонидан келишилган суғурта мукофоти (бадали) ўз вақтида тўланган тақдирда, ўз мажбуриятларини бажаради. Суғурта даври суғурта мукофоти (бадали) тўланган кундан кейинги кунидан бошланади ва бир йил давомида амал қилади.

**Суғурталанган ТВ** — Суғурта шартномасида (Суғурта полисида) кўрсатилган ва унга нисбатан суғурта ҳимояси тақдим этиладиган транспорт воситаси.

**Суғурта пули** — Суғурта шартномаси тузилган пайтда (Суғурта полиси расмийлаштирилган пайтда) томонлар келишуви асосида белгиланадиган ва полисда кўрсатиладиган пул миқдори бўлиб, шу миқдор доирасида Суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда Суғурта қилдирувчига ёки ушбу суммани олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсга суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади.

**Суғурта қиймати** – суғурта манфаати боғланган транспорт воситасининг қиймати бўлиб, у Суғурта шартномаси тузилган пайтда (Суғурта полиси расмийлаштирилган пайтда) томонлар келишуви асосида белгиланади ва суғурта Шартномаси тузилаётган кунда транспорт воситаси жойлашган ердаги унинг ҳақиқий қийматига тенг бўлади.

**Зарар** — суғурта ҳодисаси юз берганлиги муносабати билан Суғурта қилдирувчи томонидан қилинган ёки келгусида қилиниши лозим бўлган харажатлар.

**Транспорт воситалари** (кейинги ўринларда – «ТВ») – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, ишлаб чиқарувчи завод комплектациясидаги енгил автомобиллар ва микроавтобуслар.

**Нобуд бўлиш (йўқотиш)** — Суғурталанган ТВнинг шундай даражада шикастланган ҳолати, уни тиклаш учун талаб қилинадиган харажатлар унинг ҳақиқий қийматига тенг ёки ундан ошиқ, шунингдек, ТВнинг ўғирлик натижасида тўлиқ йўқотилиши тушунилади.

**ТВнинг шикастланиши** — йўл-транспорт ҳодисаси, буюмларнинг (қор, муз, дарахтлар, устунлар, ёритиш мачталари, реклама шитлари/билбордлар) тушиши ва/ёки урилиши, ёнғин, портлаш, сув тошиши, бўрон, тўфон, сел, жала, дўл, кучли қор ёғиши, чакмоқ уриши, кўчки, қор кўчкиси, ўпирилиш, қиялаб кулаши, грунтнинг чўкиши, ер ости сувлари таъсири ҳамда зилзила натижасида суғурталанган ТВ ва/ёки унинг алоҳида қисмлари ва деталларининг тасодикий жисмоний шикастланиши.

**ТВнинг ўғирланиши** – суғурталанган ТВ ва/ёки унинг алоҳида қисмлари ва деталларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаб олиш мақсадида содир этилган талон-торож қилиш, олиб қочиш, ўғирлик, талончилик ва босқинчилик ҳужуми, шунингдек бундай ўғирланиш натижасида суғурталанган ТВга етказилган шикастланиш. Суғурталанган ТВнинг ўғирланиши унинг ҳалок бўлишига тенглаштирилади.

**ТВ учинчи шахслар томонидан шикастланиши** - Суғурта қилдирувчи (Суғурта қилдирувчи юридик шахс бўлган ҳолларда унинг ходимлари), Наф олувчи ва Ҳайдовчи ҳисобланмаган учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари натижасида суғурталанган ТВ ёки унинг алоҳида қисмларининг шикастланиши. Айбдор шахсларнинг мазкур ҳаракатлари иш ҳолатлари ва юзага келган оқибатлар хусусиятига қараб жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида талкин қилиниши лозим.

**Ҳайдовчи** – ТВни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга жисмоний шахс ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ расмийлаштирилган Суғурта қилдирувчининг (ТВ эгасининг) ёзма рухсатига ёки Суғурталанган ТВни

бошқариш учун бошқа қонуний асосга эга бўлган шахс (Ҳайдовчи ТВнинг эгаси бўлган ҳоллар бундан мустасно).

**Йўловчилар** — суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтда Суғурталанган ТВда бўлган, шунингдек, унга чиқаётган ёки удан тушаётган шахслар (Ҳайдовчидан ташқари).

**Суғурталанган шахслар** — суғурта ҳодисаси юз берган пайтда Суғурта қилдирувчининг суғурталанган ТВсини салоида бўлган, шунингдек, унга чиқаётган ёки тушаётган Ҳайдовчи ва Йўловчилар.

**Учинчи шахслар** — Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи ва уларнинг ишчилари, Ҳайдовчи ва Суғурталанган шахслардан ташқари бўлган ҳар қандай бошқа шахслар.

**Жабранувчилар (бошқа шахслар)** — Суғурталанган ТВдан фойдаланиш жараёнида ҳаётига, соғлиғига ва/ёки мол-мулкига зарар етказилган шахслар.

**Йўл-транспорт ҳодисаси (кейинги ўринларда – ЙТХ)** — суғурталанган ТВ билан содир бўлган, Суғурталанган ТВ ҳаракатланиб турган ёки ҳаракатланмаганлигидан қатъи назар унда одамлар ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган, ёхуд ТВлар, иншоотлар шикастланган ёки бошқа моддий зарар етказилган ҳодиса.

**Такси хизматларини қоплаш** - суғурталанган транспорт воситаси «Транспорт воситасининг шикастланиши» ёки «Учинчи шахслар томонидан транспорт воситасининг шикастланиши» хавфлари бўйича суғурта ҳодисаси натижасида таъмирда бўлган пайтда, Суғурта қилдирувчининг (Ҳайдовчининг) такси хизматларидан фойдаланиш учун амалга оширган, ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларини қоплашни назарда тутди. Такси хизматлари транспорт воситасининг таъмирда бўлган даврига, аммо 30 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатга қопланади.

**Такси** - йўловчиларни ташиш бўйича тижорат (касбий) фаолиятни амалга оширувчи расмий ташкилот ёки йўловчиларни ташиш бўйича тижорат (касбий) фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар хизматларига буюртма бериш хизматини тақдим этувчи ташкилот.

**ТВЭФЖМСҚ қоидалари** — 2008 йил 24 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 141-сонли қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари.

**Суғурта ҳудуди** – Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) амал қиладиган ҳудуд. Мазкур Оферта шартларига мувофиқ суғурта ҳудуди Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳисобланади.

**Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома** — Суғурталовчи томонидан расмийлаштириладиган ҳужжат бўлиб, у Суғурта ҳодисаси юз берганлигини тасдиқлайди ва суғурта товони миқдорини белгилайди. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома Суғурталовчининг ва Суғурта қилдирувчининг ваколатли шахслари ҳамда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс томонидан имзоланади.

1.2. Ушбу Офертада қўлланилган барча атамалар фақат ушбу Офертада белгилаб берилган маънода тушунилади. Агар ушбу Офертада айрим атамаларга таъриф берилмаган бўлса, уларнинг маъноси Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **2-БЎЛИМ. СУГУРТА ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ**

2.1. Суғурта объектлари сифатида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган қуйидаги мулкый манфаатлар тушунилади:

2.1.1. Суғурталанган ТВнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), шикастланиши ёки ўғирланиши хавфи билан боғлиқ **Суғурта қилдирувчининг** манфаатлари;

2.1.2. Суғурта қилдирувчи (ҳайдовчи) томонидан ТВдан фойдаланиш жараёнида рўй берган бахтсиз ҳодиса натижасида **Суғурталанган шахсларнинг** ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар билан боғлиқ манфаатлари;

2.1.3. Суғурталанган ТВдан фойдаланиш жараёнида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва/ёки мол-мулкига етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фуқаролик жавобгарлигининг вужудга келиши хавфи билан боғлиқ **Суғурта қилдирувчининг, унинг ходимлари ёки ҳайдовчининг манфаатлари.**

2.2. Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи, Суғурталанган шахслар, учинчи шахслар ва Жабранувчилар (бошқа шахслар) суғурта субъектлари ҳисобланадилар.

## **3-БЎЛИМ. СУГУРТА ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИ, СУГУРТА ҲОДИСАЛАРИ**

3.1. Суғурта шартномаси тузилган (полис расмийлаштирилган) эҳтимолий воқеа суғурта таваккалчилиги бўлиб, унинг юз бериши ҳолатига суғурта амалга оширилади.

3.2. Ушбу Оферта шартларига мувофиқ қуйидаги тавккалчиликлар бўйича суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурта қопламаси тақдим этилади:

3.2.1. «**ЗАРАР**»:

Суғурта даври ва суғурта ҳудудида ТВнинг нобуд бўлиши (йўқотилиши), ўғирланиши, шикастланиши, ҳамда ТВ учинчи шахслар томонидан шикастланиши.

### **3.2.2. «БАХТСИЗ ҲОДИСА»:**

Суғурталанган шахснинг суғурта даври ва суғурта ҳудуди доирасида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси ёки суғурталанган ТВни ноқонуний эгаллаш мақсадида амалга оширилган талончилик ҳужуми оқибатида юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли тан жароҳатлари олиши ва натижада қуйидаги оқибатлар келиб чиқиши:

- Суғурталанган шахснинг травматик жароҳатланиши;
- бахтсиз ҳодиса содир бўлган кундан бошлаб олти ой (6 ой) ичида юз берган Суғурталанган шахснинг ўлими.

### **3.2.3. «ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ»:**

Суғурта қилдирувчи (Ҳайдовчи) томонидан суғурта даври ва суғурта ҳудуди доирасида Суғурталанган ТВдан фойдаланиш жараёнида бошқа шахсларнинг (жабрланувчиларнинг) ҳаёти, соғлиғи ва/ёки мол-мулкига зарар етказиши, агарда:

- а) зарар етказилганлиги факти ва унинг миқдори жабрланувчилар (Наф олувчи) томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ баён этилган моддий талаблар ҳамда жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш бўйича суд қарори билан тасдиқланган бўлиши лозим;
- б) етказилган зарар миқдори, ТВЭФЖМСҚ бўйича тўланадиган зарар миқдоридан ортиқ бўлса.

## **4-БЎЛИМ. МАХСУС ШАРТЛАР**

### **4.1. Суғурта қилдирувчи тасдиқлайди ва рози бўладики:**

а) агар Суғурта қилдирувчи (ёки мазкур Суғурта шартномаси бўйича фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахс) Суғурталовчининг ёзма розилигисиз ҳар қандай шаклда Зарар кўрувчига (ёки унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисига) Суғурталанган транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарни қопласа ёки қоплаш мажбуриятини олган бўлса, бундай ҳаракатлар Суғурталовчи учун ҳеч қандай мажбурият юкламайди;

б) Суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф этиш ёки даъволар ҳамда талабларни кўриб чиқиш жараёнида, ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар ҳамда/ёки моддий зарар юзасидан баённома, жабрланувчилар билан келишув тузишда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, судда ва бошқа идораларда қарши даъво (контрпретензия) тайёрлашда Суғурта қилдирувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун унга ёзма ишончнома беришга;

в) агар мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, Суғурталовчи жабрланувчи шахснинг ҳаёти ва соғлиғига ҳамда/ёки моддий мол-мулкига етказилган зарар бўйича даъво ёки талабларни ҳал этиш ва суғурта товонини тўлаш масалалари юзасидан у билан бевосита ҳамкорлик қилишга;

г) транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси (кейинги ўринларда — ТВЭФЖМСҚ) ва фуқаролик жавобгарлигини суғурталашга оид шартнома бўйича ҳаёт, соғлиқ ва/ёки мол-мулкка етказилган зарар юзасидан Суғурталовчининг суғурта товони тўлаш мажбурияти вужудга келганда, биринчи навбатда суғурта товони ТВЭФЖМСҚ шартномаси бўйича тўланади. Қопланмаган зарар қисми эса ушбу Суғурта шартномаси асосида қопланади. Бунда, ТВЭФЖМСҚ шартномаси ва мазкур Суғурта шартномаси бўйича тўланган суғурта товонининг умумий миқдори жабрланувчига етказилган реал зарар суммасидан ошмаслиги шарт.

д) Суғурта қилдирувчи (жисмоний шахс) вафот этган тақдирда Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ТВни мерос тартибида қабул қилган шахсга ўтади. ТВга мулк ҳуқуқи ўтишининг бошқа ҳолларида Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги мулкдорга ўтади.

4.2. Агар Суғурта қилдирувчи (ёки мазкур Суғурта шартномаси бўйича фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахс) Суғурталовчи билан келишилган ҳолда жабрланувчига зарарни ўз ҳисобидан қоплаган бўлса, Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчига (ёки бошқа шахсга, фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган шахс сифатида) етказилган зарарни қоплаш мақсадида амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, суғурта товонини тўлайди.

Агар Суғурта қилдирувчи (ёки бошқа тегишли шахс) зарарнинг фақат бир қисмини ўз ҳисобидан қоплаган бўлса, Суғурталовчи мос равишда суғурта товонининг шу қисмини Суғурта қилдирувчига (ёки бошқа шахсга) тўлайди, қолган қисмини эса Жабрланувчига (ёки унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисига) тўлайди.

Суғурта қилдирувчи томонидан Жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш тартибида амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади:

Суғурта қилдирувчилар – юридик шахслар учун – қоплаш тўлови амалга оширилганлиги ҳақидаги тўлов топшириқномаси нусхаси;

Суғурта килдирувчилар – жисмоний шахслар учун – Жабрланувчи жисмоний шахснинг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) қоплама олганлигини тасдиқловчи ёзма тилхати ёхуд юридик шахснинг ёзма тасдиғи.

## 5-БЎЛИМ. СУЎРТА ПУЛИ ВА СУЎРТА МУКОФОТИ, СУЎРТА МУКОФОТИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Суғурта шартномаси бўйича суғурта пули ҳар бир суғурта ҳодисаси (таваккалчилиги) ва суғурта объекти бўйича алоҳида белгиланади:

5.1.1. Транспорт воситаси бўйича суғурта пули, Суғурта шартномаси тузилган (Суғурта полисининг расмийлаштирилиши ва берилиши) пайтда суғуртага қабул қилинаётган транспорт воситасининг суғурта қийматидан (ҳақиқий, бозор) кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Агар транспорт воситаси тўлиқ суғурта қийматида эмас, балки қисман суғурталанган бўлса, етказилган зарар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддасига мувофиқ суғурта пули ва суғурта қийматининг мутаносиблигига мувофиқ равишда камайтирилади.

5.1.2. Ҳайдовчи ва йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича суғурта пули томонлар келишувига асосан, суғурталанган транспорт воситасидаги умумий ўринлар сонига («паушал тизим») қараб белгиланади. Бунда суғурта шартномасида (Суғурта полисида) бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича «салонга» нисбатан умумий суғурта пули кўрсатилади.

Суғурта ҳодисаси юз берган пайтда жабрланган ҳар бир Суғурталанган шахсга тўғри келадиган суғурта пули қуйидагича аниқланади:

- агар бир нафар Суғурталанган шахс жабрланса — суғурта пулининг **50%** миқдорида;
- агар икки нафар Суғурталанган шахс жабрланса — ҳар бирига суғурта пулининг **35%** миқдорида;
- агар уч нафар Суғурталанган шахс жабрланса — ҳар бирига суғурта пулининг **30%** миқдорида;
- агар уч нафардан ортиқ Суғурталанган шахс жабрланса — суғурта пули ҳар бирига тенг улушда тақсимланади.

5.1.3. Транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини ихтиёрий суғурталаш бўйича суғурта пули томонлар келишувига мувофиқ белгиланади.

5.2. Суғурта мукофоти (бадали) миқдори Суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган базавий суғурта тарифлари (суғурта мукофотлари ставкаси), суғурта объекти ва муддати, шунингдек, суғурта жавобгарлиги ҳажми инобатга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Электрон Полис расмийлаштирилганда ҳисобланган суғурта мукофоти (бадали) Суғурталовчининг (ёки унинг ҳамкорининг) расмий веб-сайтида/мобил иловасида ёки ахборот тизимида реал вақт режимида акс эттирилади.

5.3. Мазкур суғурта шартларига мувофиқ:

5.3.1. *Транспорт воситаси бўйича* («Зарар» хавфи бўйича) суғурта пули Томонларнинг келишувига кўра 50 000 000 (эллик миллион) сўмдан 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўмгача, бироқ Суғурта шартномаси тузилган санадаги транспорт воситасининг суғурта қийматидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади. Суғурта тарифи суғурта пулининг 2,5 фоизиди белгиланади. Суғурта мукофоти миқдори суғурта пули ва тегишли суғурта тарифини кўпайтириш йўли билан аниқланади ҳамда Суғурта полисида кўрсатилади.

5.3.2. *Ҳайдовчи ва йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурта қилиш ҳамда транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини ихтиёрий суғурта қилиш* бўйича суғурта пули Томонларнинг келишувига кўра қуйидаги вариантлардан бири асосида белгиланади:

| «Бахтсиз ҳодиса» хавфи         |                   |                              |
|--------------------------------|-------------------|------------------------------|
| Вариантлар                     | Суғурта пули, сўм | Йиллик суғурта мукофоти, сўм |
| Вариант 1                      | 10 000 000        | 50 000                       |
| Вариант 2                      | 20 000 000        | 80 000                       |
| Вариант 3                      | 30 000 000        | 90 000                       |
| Вариант 4                      | 50 000 000        | 140 000                      |
| «Фуқаролик жавобгарлиги» хавфи |                   |                              |
| Вариантлар                     | Суғурта пули, сўм | Йиллик суғурта мукофоти, сўм |
| Вариант 1                      | 20 000 000        | 80 000                       |
| Вариант 2                      | 30 000 000        | 105 000                      |
| Вариант 3                      | 50 000 000        | 140 000                      |

Ҳар бир суғурта объекти бўйича суғурта пули ҳамда суғурта мукофотининг аниқ миқдори Суғурта полисида белгиланади.

5.4. Суғурта мукофоти (бадали) Суғурта килдирувчи томонидан тўлов тизими операторлари ёрдамида Суғурталовчининг банк ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан қуйидаги тўлов турларининг бирида тўланади:

- бир марталик тўлов — суғурта амал қилиш муддати (бир йил) учун бир марта белгиланган миқдорда тўланади.
- қисмларга бўлиб тўлаш (бўлиб-бўлиб/бадаллар билан) — йиллик суғурта мукофоти суммаси:
  - а) бир неча тенг қисмларга (бадалларга) бўлинади, ҳар бири қуйидаги даврийликда тўланади: ҳар ой ёки ҳар чорак, ёки ярим йилда;
  - б) икки қисмга бўлинади, унинг ярми бир марталик тўланади, иккинчи ярми эса 3 ой ёки 6 ой давомида тўланади.

## **6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ (СУҒУРТА ПОЛИСИ) НИНГ КУЧГА КИРИШИ, АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА БЕКОР БЎЛИШИ**

6.1. Суғурта шартномаси уни тузган пайтдан бошлаб кучга киради ва унда назарда тутилган томонларнинг мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

6.2. Суғурта полиси бўйича суғурта қилиш муддати (даври) 1 йилни ташкил этади. Суғурталовчининг суғурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти (бадали) Суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кун соат 00:00 дан бошлаб кучга киради ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври тугаш куни соат 24:00 гача амал қилади.

6.3. Суғурта полиси ҳар қайси томоннинг ташаббуси билан ёзма ариза асосида бекор қилиниши мумкин, агар бу ҳақдаги билдиришнома полис тўхтатилиши мўлжалланаётган кундан камида 30 (ўттиз) кун олдин берилган бўлса.

6.4. Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) қуйидаги ҳолатларда бекор бўлган ҳисобланади:

- а) Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври тугаган тақдирда;
- б) Суғурталовчи суғурта тўловлари бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарган тақдирда. Бунда, суғурта шартномаси тўланган умумий суғурта товонлари объектга белгиланган суғурта пулига тенглашган бўлса, шу суғурта объектига нисбатан тўхтатилади;
- в) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ушбу Оферта ва Суғурта қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

6.5. Суғурта шартномаси (Суғурта полиси), агар у кучга кирганидан сўнг суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимоли йўқолса ва суғурта хавфининг мавжудлиги суғурта ҳодисасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли тўхтаса амал қилиш муддати тугамасидан олдин тўхтатилади. Бундай ҳолатларга, жумладан, қуйидагилар киради:

- а) Суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли суғурталанган транспорт воситасининг йўқ бўлиши (нобуд бўлиши);
- б) Суғурта қилдирувчининг тадбиркорлик фаолияти белгиланган тартибда тугатилиши.

6.6. Агар Суғурта қилдирувчи ушбу Офертанинг 6.5-бандида назарда тутилган ҳолатлар бўйича шартномани (Суғурта полисини) муддатидан олдин воз кечса, Суғурталовчи суғурта мукофотини тугамаган суғурта даврига мутаносиб равишда, қайтарилиши лозим бўлган суғурта мукофотининг 25% гача бўлган миқдорда суғуртани амалга ошириш харажатларини ушлаб қолган ҳолда қайтаришни амалга оширади.

Агар қайтарилиши лозим бўлган ишлаб топилмаган суғурта мукофотининг қолдиги Суғурталовчининг маъмурий-бошқарув харажатларини қоплаш учун етарли бўлмаса ёки ариза тақдим этилган пайтда Суғурталовчига суғурта ҳодисаси бўйича зарарни қоплаш ҳақида даъво билдирилган бўлса, ёхуд Суғурталовчи томонидан қандайдир суғурта товони тўланган бўлса, бунда тўланган суғурта мукофоти (бадали) қайтариб берилмайди.

6.7. Агар Суғурта қилдирувчи мазкур Офертанинг 6.5-бандасида кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар бўйича Суғурта шартномаси (Суғурта полиси)дан муддатидан олдин воз кечса, Суғурталовчига тўланган суғурта премияси қайтарилмайди.

## **7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7.1. Ушбу Оферта доирасида ва суғурта шартномасининг (Суғурта полисининг) амал қилиш даври мобайнида:

**7.1.1. Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- а) Суғурталовчидан маслаҳат олиш, шунингдек, зарарни қоплаш учун масъул шахсдан товон ундириш бўйича ҳуқуқларини амалга оширишда ёрдам олиш;
- б) суғурта ҳолати юз берганда, ушбу Оферта шартларига мувофиқ равишда Суғурталовчи томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришини талаб қилиш.

**7.1.2. Суғурта қилдирувчининг / Наф олувчининг мажбуриятлари:**

- а) суғурта шартномаси тузилган пайтда Суғурталовчига маълум қилинган ҳолатларда юз берган ва суғурта хавфининг ошишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча муҳим ўзгаришлар тўғрисида Суғурталовчини 3 (уч) иш куни ичида ёзма равишда дарҳол хабардор қилиш. Муҳим

ўзгаришлар деб, Суғурталовчи томонидан суғурта шартномасида (полисида), Ариза-анкетада аниқ кўрсатилган вазиятлар тушунилади, жумладан:

- транспорт воситасини ижарага (субижарага) ёки прокатга бериш ва шу каби ҳолатлар;
- транспорт воситасидан фойдаланиш мақсадининг ўзгариши (каршеринг, тижорат мақсадида такси сифатида фойдаланиш, спорт тадбирларида иштирок этиш ва ҳ.к.).

б) Суғурта полисини олгандан сўнг 3 (уч) иш куни ичида транспорт воситасини Суғурталовчига кўрик (мониторинг) учун тақдим этиш, зарур ҳужжатларни (кўрик далолатномасини) имзолаш ёки суғурталанган транспорт воситасини онлайн тарзда намойиш этиш.

Суғурта қилдирувчи ушбу шартни белгиланган муддатда ва белгиланган тартибда бажармаган тақдирда, Суғурталовчи суғурта полисини муддатидан олдин бекор қилиш ҳамда тўланган суғурта мукофотини (бадалини) тўлиқ қайтариш ҳуқуқига эга бўлади.

в) ушбу Оферта доирасида Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўлаш талаби юзага келишга олиб келиши мумкин бўлган ҳодиса содир бўлган тақдирда, кечиктирмасдан ушбу Офертанинг 8.1–8.2-бандларида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш;

г) юзага келган ҳолатга қараб, эҳтимоллий зарар/талофатни бартараф этиш, камайтириш ёки олдини олиш бўйича асосли ва мавжуд имкониятлар доирасида чора-тадбирларни кўриш (яъни ёнғин ўчоғини бартараф этиш, йўловчилар/жабрланувчиларни қутқариш). Бундай чораларни амалга оширар экан, Суғурта қилдирувчи, агар Суғурталовчи томонидан кўрсатмалар берилган бўлса — уларга, шунингдек суғурталанган транспорт воситаси ишлаб чиқарувчисининг тавсияларига риоя қилиши шарт.

д) Суғурталанган шикастланган транспорт воситасини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бошланишидан олдин Суғурталовчи билан транспорт воситасини кўриқдан ўтказиш жойи, санаси ва вақтини келишиб олиш, Суғурталовчининг розилигисиз транспорт воситасини қисмларини демонтаж ёки таъмирлаш ишларини бошламаслик, бундай ҳаракатлар атрофдаги одамлар, яқинда жойлашган бинолар, ҳайдовчи ва/ёки йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлса, ёки ваколатли органларнинг буйруқ ва топшириқларини бажариш учун талаб этилса бундан мустасно;

е) Суғурталовчига содир бўлган воқеанинг барча ҳолатларини ўрганиш учун зарур бўлган, ушбу Офертанинг 8.2-бандида кўрсатилган барча ҳужжатларни тақдим этиш, шунингдек, Суғурталовчи ёки унинг вакилларига исталган вақтда суғурталанган транспорт воситаси ва унинг қисмларини кўриқдан ўтказиш учун имконият яратиш.

ж) Суғурталанган транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномаларга (қоидаларга, кўрсатмаларга) амал қилиш;

з) Суғурталанган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга шахсларга ушбу Оферта ҳамда Суғурта қоидаларида назарда тутилган шартлар ва талаблар ҳақида маълумот етказиш;

и) Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурталанган транспорт воситасини қаровсиз қолдирмаслик ва кейинги зарар ёки йўқотишларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш;

к) Суғурталовчи ёки унинг вакилларига суғурталанган транспорт воситаси ва унинг қисмларини исталган вақтда кўриқдан ўтказиш учун имконият бериш;

л) Суғурталовчидан олинган маълумотлар махфийлигини сақлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларга маълумот тақдим этиш мажбурияти юклатилган ҳолатлар бундан мустасно;

м) ўғирланган транспорт воситаси топилган ва/ёки Суғурта қилдирувчига қайтарилган тақдирда, Суғурталовчидан олган суғурта товонини қайтариш (агар транспорт воситаси шикастланган ҳолда топилган бўлса, Суғурта қилдирувчига кейинчалик кўрилган зарар қоплаб берилади);

н) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган даъво муддатлари давомида, суғурта товонига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман йўқотишга олиб келувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Суғурталовчидан олинган суғурта товонини тўлиқ ёки белгиланган қисмида қайтариш.

#### 7.1.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳужжатни имзолаган шахснинг ўз қўли билан қўйган имзосига тенглаштирилган факсимиль имзо кўчирмаси ёки электрон рақамли имзодан фойдаланиш;

б) мониторинг жараёнида иштирок этиш ва транспорт воситасини кўриқдан ўтказиш, кўрик далолатномаларини расмийлаштириш ва имзолаш;

в) агар етказилган зарар билан боғлиқ ҳолат юзасидан текширув бошланган ёки жиноят иши қўзғатилган бўлса — тергов тугагунига қадар, ёки агар Суғурта қилдирувчининг товон олиш ҳуқуқига нисбатан шубҳалар мавжуд бўлса - зарур далиллар тақдим этилгунига қадар, суғурта товони тўлашни кечиктириш;

г) ушбу Офертанинг 7.1.2-банди а) кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар - яъни суғурта хавфининг ортишига олиб келадиган ҳолатлар тўғрисида хабар берилган тақдирда, қўшимча суғурта

мукофотини (бадалини) тўлашни талаб қилиш. Агар Суғурта қилдирувчи ушбу Офертада назарда тутилган суғурта шартларини ўзгартиришга ёки суғурта мукофотини (бадалини) тўлашга қарши бўлса, Суғурталовчи суғуртаполисини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга;

д) ушбу Оферта ва Суғурта қоидаларида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Суғурта шартномасини бекор қилиш (Суғурта полисини тугатиш) ва шартнома бекор қилинганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

е) агар Суғурта қилдирувчи ушбу Оферта, жумладан **7.1.2-бандини а)** кичик банди талабларини бажармаган бўлса, ёки агар суғурталанган транспорт воситасига етказилган зарар суғурта ҳолати деб тан олинмайдиган ҳодисалар натижасида келиб чиққан бўлса — суғурта товонини тўлашдан бош тортиш.

#### 7.1.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) ушбу Офертада белгиланган тартибда Суғурта полисини расмийлаштириш ва Суғурта қилдирувчига топшириш/юбориш;

б) зарур ҳужжатлар тўлиқ қабул қилинганидан ва суғурта ҳодисаси юз берганлиги тан олинганидан сўнг, ушбу Офертада белгиланган миқдор ва муддатларда суғурта товонини тўлаш;

в) Суғурта полиси амал қилган давр мобайнида Суғурта қилдирувчидан олинган маълумотларни махфий сақлаш. Бунда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ давлат органлари ва бошқа ташкилотларга маълумот тақдим этиш мажбурияти юклатилган ҳолатлар бундан мустасно.

## 8-БЎЛИМ. СУЎУРТА ТОВОННИ ТЎЛАШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

8.1. Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурта қилдирувчи ёки суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс қуйидагиларга мажбур:

8.1.1. суғурта воқеаси юз берган кундан кечикмай 3 (уч) календарь куни ичида ушбу воқеа ҳақида Суғурталовчини ҳар қандай мавжуд усулда (суғурта шартномасида/полисида кўрсатилган телефон рақами орқали, электрон почта ва ҳ.к.) хабардор қилиш;

8.1.2. воқеа юз берган заҳоти, тегишли ваколатли органларга (ИИБ ЙҲХХ, ФВВ ва ҳ.к.) ушбу ҳолат ҳақида дарҳол хабар бериш ҳамда воқеа жойида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда баённома ёки бошқа тегишли ҳужжатни расмийлаштириш.

Агар зарар транспорт воситасининг ойна тизими элементларига етказилган енгил шикастлар, кузов ва/ёки бампердаги кичик ёриқлар ва/ёки тирналишлар билан боғлиқ бўлса, Суғурта қилдирувчи ушбу бандда кўрсатилган талаблардан озод этилади. Бунда бундай ҳолат бошқа шахслар иштирок этган йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ), ёнғин, портлаш, ўғирлик ёки транспорт воситасининг нобуд бўлиши натижасида юз берган ҳолатларга тааллуқли эмас. Суғурта даврида юз берган бундай кичик шикастлар натижасидаги зарарлар, транспорт воситаси учун суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта пулининг 2% миқдоригача бўлган ҳолда Суғурталовчи томонидан қоплаб берилади.

8.1.3. Суғурталовчига кўриқдан ўтказиш учун шикастланган суғурталанган транспорт воситасини тақдим этиш, агар бунимкони бўлмаса - таъмирлаш ишлари бошланишидан олдин шикастланган барча қисмларнинг фотосуратлари ёки видеоёзувини тайёрлаш;

8.1.4. Суғурталовчига қуйидаги муддатларда зарар етишига таъсир қилган сабаб ва ҳолатлар кўрсатилган ҳолда Суғурта воқеаси тўғрисида ариза юбориш:

а) «Зарар» ҳодисаси бўйича — воқеа юз берган кундан кечикмай 10 (ўн) календарь куни ичида;

б) «Фуқаролик жавобгарлиги» ва «Бахтсиз ҳодиса» ҳодисалари бўйича — воқеа юз берган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь куни ичида.

8.2. Суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган Суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахс суғурта воқеаси тўғрисидаги Аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши шарт:

8.2.1. «**Зарар**» таваккалчилиги бўйича суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда (йўқотиш (нобуд бўлиш), ўғирлик, транспорт воситасининг шикастланиши, ТВга учинчи шахслар томонидан зара етказилиши):

а) тегишли ваколатли органларининг (ИИБ ЙҲХХ, ФВВ, Ўзгидромет ва ҳ.к.) расмий ҳужжатлари (қарор, маълумотнома), суд қарори;

б) агар улар транспорт воситаси билан бирга ўғирланмаган ёки ёнғин давомида ёниб кетмаган бўлса, Суғурталанган транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома (техпаспорт) нусхаси;

в) Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг (жисмоний шахс бўлганда) паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати нусхаси;

г) Суғурталовчининг танловига кўра, баҳоловчи ташкилот томонидан тузилган моддий зарарни баҳолашга оид ҳисоб-китоб / ҳисобот нусхаси ёки техник хизмат кўрсатиш хизматининг носозликлар

далолатномаси нусхаси — унда суғурталанган транспорт воситасини тиклаш учун зарур бўлган барча ишлар, эҳтиёт қисмлари ва материаллар рўйхати кўрсатилган бўлиши лозим (транспорт воситасига ёки учинчи шахслар томонидан етказилган шикаст ҳолларида тақдим этилади);

д) суғурта ҳодисасига тааллуқли бошқа ҳужжатлар (ижара шартномаси, лизинг шартномаси, ишончнома ва бошқалар).

